

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИКУЛОВ БЕГАЛИ САЙДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АЙРИМ ГАЛОФИТ ЎСИМЛИКЛАР
БИОМАССАЛАРИНИНГ БИОЭНЕРГЕТИК ПОТЕНЦИАЛИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аликулов Бегали Сайдуллаевич

Ўзбекистондаги айрим галофит ўсимликлар биомассасининг биоэнергетик потенциаллари.....3

Аликулов Бегали Сайдуллаевич

Биоэнергетический потенциал биомассы некоторых галофитных растений Узбекистана21

Alikulov Begali Saydullaevich

Bioenergetic potential of biomass of some halophyte plants of Uzbekistan.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИКУЛОВ БЕГАЛИ САЙДУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АЙРИМ ГАЛОФИТ ЎСИМЛИКЛАР
БИОМАССАЛАРИНИНГ БИОЭНЕРГЕТИК ПОТЕНЦИАЛИ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/В96 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Зафар Файзуллаевич
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна
техника фанлари доктори, доцент

Ҳасанов Ҳасан Турсунович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-20, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда энергия хом ашёлари етишмовчилиги муаммосини ҳал этишда муқобил қайта тикланувчи энергетик манбаларни яратиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Айтиш жоизки, жаҳонда аҳоли сонининг жадаллик билан ортиши билан мавжуд углеводородлар захираларидан кенг фойдаланиш анъанавий энергия хом ашёларининг кескин камайишига олиб келмоқда. Мавжуд углеводородлар захираларидан фойдаланиш даражасини барқарорлаштириш ва муқобил энергетик манбалари хилма-хиллигини янада ошириш учун ўсимлик биомассасига биотехнологик ишлов бериш орқали, улардан биоэтанол ва биогаз каби биоёқилғилар олиш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ноанъанавий энергетик манбалар, жумладан, ўсимлик биомассаларига асосланган муқобил энергиядан фойдаланишни ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада арид минтақаларининг шўрланган майдонларида кенг тарқалган ва иқтисодиёт тармоқларида мақсадли қўлланилмайдиган галофит ўсимликлар биомассаларидан биоёқилғилар олиш биотехнологиясини яратиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Галофит ўсимликлар биомассасидан фойдаланиш орқали муқобил энергетик хомашёлар хилма-хиллигини оширишда галофитлар тарқалган майдон миқдори ва биомасса ҳосилдорлигини аниқлаш, биомассага самарали кимёвий ва микробиологик ишлов беришнинг оптимал шароитларини танлаш, биомассадан биоэтанол ва биогаз олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш, ундан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби йўналишлар бўйича илмий ечимларни асослаш муҳим илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда аҳолини энергия билан таъминлашда муқобил энергетика соҳасини ривожлантириш учун қайта тикланувчи хом ашёлар хилма-хиллигини ошириш ва улардан фойдаланишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, республикамиз ҳудудларида қуёш, шамол ва биомассалар энергиясидан самарали фойдаланиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, галофит ўсимликлар биомассасининг кимёвий ва ферментатив гидролизининг оптимал шароитларини аниқлаш, микроорганизмлар ёрдамида бижғиш ёки ачиш жараёнлари самарадорлигини ошириш, галофитлар биомассасидан биоэтанол ва биогаз олиш технологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512 сон «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мос келиши. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда турли хил ўсимликлар биомассасидан ёқилғи мақсадида этанол ва биогаз ажралишига микроорганизмлар ҳамда уларнинг ферментларининг таъсири (G. Xumeng, 2014; E. Klimiuk ва бошқ., 2010; A. Almodores, M.R. Hadi, 2010; S. Kim, B. Dale, 2004; A. Осмак, 2002; Г. Ягафарова, Ю.П. Егорова, 1997), ўсимлик биомассани кимёвий, ферментатив гидролизлаш самарадорлиги (M. Gansbergera, 2015; В.И. Сушкова, 2014; Е.В. Скворцов, 2014; М. Балат, 2011; И.И. Гордиенко, В.А. Бабкин, 2005), ўсимлик биомассаларининг иссиқлик, биогаз ва биоэтанол хомашёси сифатидаги потенциали (R. Hendricks, 2008; E. Gnansou, 2005) бўйича маълумотлар келтирилган.

Мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар натижасида биогаз ва биоэтанол олишда ўсимликлар биомассаси, чорвачилик органик чиқиндилари ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг чўл худудида учрайдиган айрим галофит ўсимликлар биомассасининг кимёвий таркиби, биомассадан ажралган биогаз таркиби ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар олинган (Ж. Ташпулатов, С. Куканова, Л. Зайнитдинова, 2011; Н. Акиншина, А. Азизов, 2011; З. Шакиров, Г. Кадырова, 2013, А. Махсумханов ва бошқ., 2014; Қ. Давранов, В. Шуригин, О. Эшонкулов, 2016; А. Садиков ва бошқ., 2016). Бироқ, илмий адабиётларда галофит ўсимликлар биомассасининг кимёвий, ферментатив гидролизи, ачитқилар иштирокида ферментацияланиши ва бижғиш динамикасида ҳосил бўлган спирт миқдори, метаноген ассоциация иштирокида биогаз ҳосил қилиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар амалда кам учрайди, бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бугунги кунда Республикада анъанавий энергетик манбалар - углеводородлар ўрнини босувчи муқобил энергетик манба сифатида ўсимлик биомассаларига асосланган технологияларни яратиш катта илмий-амалий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети Физиология, генетика ва биокимё

кафедрасининг 2010-2016 йилларга мўлжалланган “Зарафшон воҳаси биоресурсларидан оқилона фойдаланиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси, ЁА-7-1-«Ўзбекистон чўл яйловларидан оқилона фойдаланишнинг интеграллашган ва экологик самарали усуллари ишлаб чиқиш (Қарнобчўл мисолида)» (2016-2017) мавзусидаги амалий ва И-ОТ-2017-3-4-«Галофит ўсимликлар биомассаси ва чорвачилик чиқиндиларидан биоёқилғилар олишнинг комплекс технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида кенг тарқалган айрим галофит ўсимликлар ҳосил қиладиган биомассанинг биоэнергетик потенциалини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган галофит ўсимликлар турларини тадқиқ қилиш, улар тарқалган майдонлар миқдори ва йиллик биомасса ҳосилдорлигини аниқлаш;

айрим галофит ўсимликлари биомассасини иссиқлик сиғимини аниқлаш;

галофитлар биомассасидан спиртли бижғитиш асосида биоэтанол ажратиб олиш ва биоэнергетик потенциалини аниқлаш;

галофитлар биомассасидан метаногенез асосида биогаз ажратиб олиш ва биоэнергетик потенциалини аниқлаш;

хомашё сифатида галофитлар биомассасидан фойдаланишга асосланган биоёқилғилар олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида кенг тарқалган, иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган галофит ўсимликлар (сарсазан - *Halocnemum strobilaceum* (Pall) Bieb., қорабароқ - *Halostachys belangeriana* (Moq) Botsch., юлғун - *Tamarix hispida* Willd, қора саксовул - *Haloxylon aphyllum* (Minkw) Hjin, оқбош - *Karelinia caspia*, балиққўз - *Climacoptera lanata* (Pall) Botsch ва қорабаргўт - *Sueda microphylla* Pall), биоёқилғи маҳсулотлар (биогаз ва биоэтанол) ҳосил бўлишида иштирок этувчи микроорганизмлар (метаноген ассоциация, *Trichoderma reesei*, *Saccharomyces cerevisiae*) олинган.

Тадқиқотнинг предмети галофит ўсимликлар биомассаси таркибидаги углеводларни бижғитиш ёрдамида этанол ва метанга айлантириб, биоэнергетик потенциалини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация иши тадқиқотларини амалга оширишда биотехнологик, ботаник, физикавий, кимёвий, микробиологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Барча олинган маълумотларни ишончлилик даражаси Студент статистик усули ёрдамида аниқланган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистондаги айрим галофитлар биомассасининг иссиқлик энергияси, биоэтанол ва биогаз олиш учун хом ашё сифатидаги энергетик потенциални аниқланган;

Қарнобчўл ва Марказий Қизилқумдаги иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган айрим галофит ўсимлик турларининг йиллик биомасса ҳосилдорлиги аниқланган;

галофит ўсимликлар биомассаларининг иссиқлик сиғими асосланган;

галофитлар биомассаси гидролизатлари таркибидаги бижғувчи қандли моддалар, ачитқи иштирокидаги бижғиш динамикасида ҳосил бўладиган этанол миқдорларини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

биогаз ажратиб олишда хом ашё сифатида галофитлар биомассасидан фойдаланиш исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқ қилинган галофит ўсимликлар биомассасининг кимёвий ва ферментатив гидролизини юқори миқдорда бижғувчи қандли моддалар тўпланадиган, ачитқи иштирокидаги бижғишнинг кўп миқдорда этанол ҳосил бўладиган шароитлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

аҳоли хонадонларида биогаз ажратиб олишда хом ашё сифатида айрим галофит ўсимликлар биомассасидан фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш синов тажрибалари ўтказилган ва галофит биомассасидан биогаз олиш амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги модель тизимда олиб борилган натижаларнинг амалиётда олинган натижалар билан мос келиши, олинган натижалар анъанавий ва замонавий услубларга асосланганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади. Илмий натижалар таҳлили замонавий статистик усуллардан фойдаланилиб, OriginPro 7.5 (Microsoft, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган. Барча тажриба натижалари 4-5 қайтариқли тажрибаларнинг арифметик ўртачаларини $P \leq 0,05$ қийматидаги статистик ишонччилик даражасида баҳолаш орқали статистик сарҳисоб қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган айрим галофит ўсимликларнинг биомасса ҳосилдорлигини аниқланганлиги, биомассанинг кимёвий ва *T.reesei* замбуруғи иштирокидаги ферментатив гидролизи, *S.cerevisiae* ачитқиси ҳамда метаноген микроорганизмлар иштирокидаги биожараёнларнинг оптимал шароитларини асосланганлиги, натижаларнинг муқобил энергетика соҳасининг назарий қисмини тўлдирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган галофитлар биомассасини қўллаш асосида биоёқилғи маҳсулотлар, жумладан, биоэтанол ва биогаз олиш учун фойдаланилаётган хом ашёларнинг хилма-хиллигини оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистондаги айрим галофитлар биомассасининг биоэнергетик потенциалини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сарсазан, қорабарок, юлғун ва бошқа галофит ўсимликлар биомассаларидан биогаз ажратиш Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги

аҳоли хонадонларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 январдаги 02/22-51-сон маълумотномаси). Натижада чўл худудида истиқомат қиладиган аҳоли хонадонларида галофитлар биомассасига асосланган муқобил энергия ҳисобига газ таъминотининг яхшиланиш имконини беради;

галофитларнинг тарқалиши бўйича олинган илмий натижалар Ё-Ф-5-1-“Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғлари ўсимликлар қопламининг замонавий флористик таркиби ва экологик-фитоценотик ҳолатини ўрганиш” лойиҳасида ўсимликлар флористик таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 декабрдаги 32-11/1316-сон маълумотномаси). Натижада Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғлари Қарнобчўлга туташ худудлари ўсимликлар қопламини баҳолаш, экологик-фитоценотик ҳолатини аниқлаш имконини берган;

галофитларнинг тарқалиши ва биомасса ҳосилдорлиги, биомассадан биоэтанол олиш бўйича олинган натижалар Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ шўрланган худудлари деҳқончилиги бўйича Халқаро Марказнинг “Марказий Осиёнинг ноқулай шароитларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш мақсадидаги худудий ҳамкорлик” ва “Амударёнинг трансчегаравий сув ҳавзаларида озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ноанъанавий қишлоқ хўжалиги заҳираларидан фойдаланиш” мавзуларидаги халқаро лойиҳаларида шўрланган худудларнинг галофитлар биомассалари потенциалини баҳолашда фойдаланилган (ИКАРДА халқаро ташкилотининг 2018 йил 16 февралдаги 0085-сон маълумотномаси). Натижада Марказий Осиёнинг шўрланган худудларида истиқболли галофитлар хилма-хиллиги ва биомассани аниқлаш ҳамда улар асосида агрофитоценозлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Муқобил энергетик манбалардан унумли фойдаланиш ва биомассада энергия олиш технологияларини яратиш тенденциялари ҳамда муаммолари ҳолати»** деб номланган биринчи бобда муқобил энергетик манбалар, уларнинг турлари, дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда муқобил энергетик манбаларнинг асосий хомашёлари, улардан фойдаланиш ҳолати ҳамда истикболлари, биомассада энергетик маҳсулотлар олиш технологиялари ҳақида, ўсимлик биомассасига ишлов бериш усуллари, биомассада биоёқилғи маҳсулотлар олишнинг асосий хусусиятлари ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган. Энг сўнгги адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида ўсимлик биомассасидан биоэтанол ва биогаз ажратиб олиш жараёнларининг микробиологик, биокимёвий ҳамда технологик жиҳатлари, уни амалга ошириш босқичлари кенг ёритилган.

Диссертациянинг **«Галофит ўсимликларнинг биоэнергетик манба сифатидаги тавсифи ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобда дала тажрибалари олиб борилган ҳудудларнинг умумий тавсифи ва иқлим кўрсаткичлари, тадқиқот объектлари сифатида танлаб олинган айрим галофит ўсимликларнинг биоэнергетик манба сифатидаги тавсифи баён қилинган. Тадқиқот тажрибаларини олиб бориш босқичлари белгиланган. Айрим галофит ўсимликлар биомассаларининг биоэнергетик потенциалини аниқлаш мақсадида ўсимликлар биомассасининг биомасса ҳосилдорлиги, иссиқлик сифими, углеводлар таркиби ва миқдори, биомассани гидролизлаш, бижғитиш ёки ачитишнинг оптимал шароитлари, биоёқилғи маҳсулотлар ажратиб олишда иштирок этаётган микроорганизмлар культураси ва метаноген ассоциацияни таркиби, ажратиб олинган биоэтанол ва биогазни кимёвий таркибини аниқлаш, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистондаги айрим галофит ўсимликлар биомассасининг биоэнергетик потенциали»** деб номланган учинчи бобда сарсазан, қорабароқ, юлғун, қора саксовул, оқбош, балиққўз ва қорабаргўт каби галофитлар биомассасининг ҳосилдорлиги, иссиқлик сифими, углеводлар таркиби ва миқдори, биомассани гидролизлаш, бижғитиш ёки ачитишнинг оптимал шароитлари, биоёқилғи маҳсулотлар ажратиб олишда иштирок этаётган микроорганизмлар культураси ва метаноген ассоциацияни таркиби, ажратиб олинган биоэтанол ва биогазни кимёвий таркибини таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида ушбу ўсимликлар биомассасининг иссиқлик, биоэтанол ва биогаз хомашёлари сифатидаги потенциалини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Айрим галофитларнинг биомасса ҳосилдорлиги. Турли иқлим кўрсаткичларига эга ҳудудлар (Қарнобчўл ва Марказий Қизилқум)да олиб борилган дала тажрибалари галофитларнинг йилнинг турли мавсумларида (қишки, баҳорги, ёзги ва кузги) биомасса ҳосилдорлигини аниқлаш имконини

берган. Биомасса ҳосилдорлиги галофитлардан доминант ҳолда учрайдиган 4 тур (сарсазан, қорабароқ, юлғун ва қора саксовул) учун алоҳида, қолган 3 тур (оқбош, қорабаргўт ва балиққўз) ўтчил ўсимликлар аралашмаси сифатида аниқланган. Йиллик қуруқ биомасса ҳосилдорлиги сарсазан ўсимлигида $0,09 \pm 0,01$ кг/м²ни ташкил этиши кўрсатиб берилган. Қолган 3 та доминант тур ва ўтчил ўсимликлар аралашмаси (оқбош, қорабаргўт ва балиққўз)да ҳам шунга яқин натижалар олинган (1-жадвал).

1-жадвал

**Айрим галофит ўсимликларнинг биомасса ҳосилдорлиги
(2015-2016 йиллар*; n=5)**

Тур	Ҳосилдорлик		Майдон, млн. га	Умумий биомасса миқдори, млн. тонна/йил
	кг/м ²	т/га		
Сарсазан	0,09±0,01	0,9	0,40	0,360
Қорабароқ	0,07±0,01	0,7	0,18	0,126
Юлғун	0,08±0,01	0,8	0,22	0,176
Қора саксовул	0,07±0,01	0,7	0,25	0,175
Ўсимликлар аралашмаси	0,06±0,01	0,6	0,50	0,300
Жами	0,37±0,01			1,137


**Изоҳ. Тадқиқот ҳудудларида Муборак ва Машиқудуқ метеостанциялари (2002-2017 йй) маълумотлари бўйича йиллик ёгин миқдори ўртача 132-137 мм, ўртача ҳаво ҳарорати 20-22°Сга тенг.*

Тадқиқот объектларининг умумий йиллик қуруқ биомасса ҳосилдорлиги ўртача $0,37 \pm 0,01$ кг/м²ни ташкил этган. Ҳосил бўлган йиллик қуруқ биомассанинг 24,3 % сарсазан ўсимлиги, 21,6 % юлғун ўсимлиги, 18,9 % дан қора саксовул ва қорабароқ ўсимликлари ва 16,3 % қолган ўтчил ўсимликлар аралашмаси ҳиссаларига тўғри келиши аниқланган. Қуруқ биомассада ўсимликлар улушининг бундай фарқланиши қора саксовул, қорабароқ ва юлғун ўсимликларининг йиллик новдаларида сув тўплаш хусусиятининг юқорилиги билан изоҳланган. Олинган натижалар галофитларнинг адабиётлар ва манбаларда кўрсатилган республика бўйича умумий майдонлари асосида уларнинг йиллик умумий қуруқ биомасса миқдорини ҳисоблаш имконини берган. Қуруқ биомасса ҳосилдорлиги (т/га ҳисобида) ва улар тарқалган умумий майдон миқдори асосида галофитлар умумий биомассасининг йиллик потенциал миқдори ҳисобланган ва бу кўрсаткич ўрганилган галофитлар учун бир миллион тоннадан ортиқлиги кўрсатилган.

Айрим галофит ўсимликлар биомассасининг иссиқлик сизими. Галофитлар биомассасининг иссиқлик энергияси хомашёси сифатидаги потенциални баҳолаш учун ёқиш усули ёрдамида уларнинг иссиқлик сизими аниқланган. Галофитлар биомассасининг иссиқлик сизими барча турларда деярли бири-бирига яқин бўлиши кузатилган, жумладан, у сарсазан ўсимлигида 3530 ккал/кг, қорабароқ, юлғун ва қора саксовулда ўзаро мос ҳолда 3630 ккал/кг, 3400 ккал/кг ва 3850 ккал/кг, қолган ўтчил ўсимликлар (оқбош, қорабаргўт ва балиққўз) аралашмасида 2900 ккал/кгга тенг бўлган. Қора саксовул

биомассасининг иссиқлик сиғими бошқа галофитларнинг ушбу кўрсаткичидан 18-20 % юқори бўлиши аниқланган. Галофитлар биомассаларида иссиқлик сиғимининг турлича бўлиши уларнинг ҳаётий шакли ва ёғочланиш хусусияти хилма-хиллиги билан изоҳланган.

Галофитлар биомассасининг углеводлар таркиби. Қоғоз хроматографияси асосида олиб борилган тажрибаларда галофитлар биомассасининг сахароза ва фруктозадан, глюкоза, ксилоза ва галактоза таркибли умумий углеводлардан ва целлюлозадан иборат эканлиги кўрсатиб берилган. Галофит биомассаларининг кимёвий таҳлили натижасида, уларнинг таркиби, асосан, спиртда эрувчи углеводлар (фруктоза, глюкоза, сахароза ва фруктоолигосахаридлар), умумий углеводлар (сувда эрувчи гемицеллюлоза ва пектин) ва целлюлозадан иборатлиги аниқланган (1-расм).




1-расм. Галофитлар биомассасидаги углеводлар миқдори, % ҳисобида (n=4)

Галофитлар биомассасида 1,2% дан 2,8% гача спиртда эрувчи, 6,0% дан 22,3% гача умумий углеводлар ва 26,4% дан 32,4% гача целлюлоза мавжудлиги аниқланган. Спиртда эрувчи углеводларнинг энг кўп миқдори юлғунда (2,8%), энг кам миқдори сарсазанда (1,2%), ишқорда эрувчи умумий углевод (пектин ва гемицеллюлоза)ларнинг энг кўп миқдори сарсазанда (22,3 %), энг кам миқдори қора саксовулда (6,0 %), целлюлозанинг энг кўп миқдори қора саксовулда (32,4 %), энг кам миқдорда сарсазанда (26,4 %) учраши қайд қилинган.

Галофитлар биомассасининг гидролизи. Тадқиқотлар натижасида айрим галофит ўсимликлар биомассани концентрланган ва суолтирилган H_2SO_4 иштирокида кимёвий, *T.reesei* замбуруғи иштирокида ферментатив гидролиз қилишнинг оптимал шароитлари танланган. Галофитлар биомассасини

концентрланган H_2SO_4 иштирокида гидролиз қилиш жараёнида ҳосил бўлган гексозалар миқдорининг H_2SO_4 концентрациясига (10%, 15%, 20% ва 25 %) ва гидролизнинг давом этиш вақтига (2, 4, 6, 8 ва 10 соат) боғлиқлиги аниқланган. Галофитлар биомассасини концентрланган H_2SO_4 нинг 20% ли эритмаси иштирокида 8 соат давомида гидролизланганда максимал миқдор (6,5-7,1%)да гексозалар олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Суюлтирилган H_2SO_4 га нисбатан ҳам гидролиз жараёнида ҳосил бўлган бижғувчи моддалар миқдорининг кислота концентрациясига (0,1%, 0,3%, 0,5% ва 1,0 %) ва гидролизнинг давом этиш вақтига (1, 2, 3, 4 ва 5 соат) боғлиқлиги аниқланган. Суюлтирилган H_2SO_4 нинг 0,5%ли эритмасида 4 соат давомида гидролизланганда максимал миқдор (1,8-2,5%)да бижғувчи моддалар олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган. H_2SO_4 нинг 25 % ли концентрланган ва 1,0 % ли суюлтирилган эритмаларида гидролизат таркибидаги гексоза ва бижғувчи моддалар миқдорининг камайиши моно ва олигосахаридларнинг триозаларгача парчаланиб кетганлиги билан изоҳланган.


T.reesei замбуруғи ўстириладиган озуқа муҳитида 3-4 суткаларда умумий оксил кўп миқдорда тўпланиши (2-расм) ва ушбу вақтда олинган замбуруғ культурал суяқлигидан галофитлар биомассани ферментатив гидролиз қилишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.



2-расм. *T.reesei* замбуруғи культурал суяқлиги таркибидаги умумий оксил миқдорини ўстириш муддатига боғлиқ тарзда ўзгариши (n=4)

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларда замбуруғнинг 10, 20, 30 ва 40 мл/литр концентрацияли культурал суяқлиги иштирокида, 1-8 соат давомида ($T=48^{\circ}C$, 1:4 гидромодул бўйича) олиб борилган ферментатив гидролиз жараёнида ҳосил бўлган бижғувчи моддалар миқдори тадқиқ қилинган. Замбуруғнинг 30 мл/литр культурал суяқликлари иштирокида кечган гидролиз гидролизатларида бижғувчи моддаларнинг кўп ҳосил бўлиши аниқланди. Ферментатив гидролиз 6 соат давомида ўтказилганда гидролизат таркибидаги бижғувчи моддаларнинг миқдори гидролизнинг дастлабки 1-2


соатида олинган гидролизат таркибидаги бижғувчи моддалар миқдори нисбатан 5,8-6,5 марта ортиши, 7-8 соат давомида гидролиз қилинган гидролизатлар таркибидаги бижғувчи моддаларнинг миқдори эса 6 соат давомида ўтказилган гидролиз гидролизатларига нисбатан 30-35%гача камайиши кўрсатилган. Натижада галофитлар биомассасини *T.reesei* замбуруғининг 30 мл/литр концентрацияли культурал суюқлиги иштирокида 5-6 соат давомида ферментатив гидролиз қилинганда максимал миқдорда (6,9-7,2%) бижғувчи моддалар олиш мумкинлиги аниқланган (3-расм).



3-расм. *T.reesei* замбуруғи культурал суюқлиги концентрациясининг сарсазан биомассасидан бижғувчи моддалар ҳосил бўлишига таъсири (n=4)

Галофитлар биомассасидан биоэтанол олиш. Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларда *S.cerevisiae* ачитқиси иштирокида бижғиш жараёнининг оптимал шароитлари танланган ва замбуруғнинг 10, 15, 20 ва 25 мл/л концентрацияли (намлик 75 %) культурал суюқликлари иштирокида 12-96 соат давомида бижғиш жараёнидаги ҳосил бўлган этанол миқдори таҳлил қилинган. Этанол ҳосил бўлиши барча тадқиқот объектлари ва вариантларида бижғишнинг 84-соатигача кучайиб, сўнг сусайиши аниқланган, бу ҳолат ферментацияни амалга ошираётган микроорганизм ферментларининг маълум вақтдан кейин инактивацияланиши билан изоҳланган.

Бижғишнинг 84-соатида юлғун ўсимлиги биомассасида фойдаланилган ачитқи культурал суюқлигининг концентрациясига қараб ҳосил бўлган этанол миқдори 1,47% дан 3,11% гача бўлиши, бу кўрсаткичнинг бижғишнинг 12-соатига нисбатан 17-20 марта ортиклиги кўрсатилган. 20 мл/л культурал суюқликдан фойдаланилганда этанолнинг максимал миқдорда чиқиши қайд қилинган (4-расм).



4-расм. *S.cerevisiae* ачитқиси культурал суюқлиги концентрациясининг юлғун биомассасидан этанол ҳосил бўлишига таъсири (n=4)

Тадқиқотнинг бошқа объектларида ҳам юқоридаги кўрсаткичларга яқин маълумотлар олинган. Натижада галофитлар биомассасини гидролизлашдан олинган гидролизатларни *S.cerevisiae* ачитқисининг 20 мл/литр концентрацияли культурал суюқлиги иштирокида 3-3,5 сутка давомида бижғитиш орқали максимал миқдорда ($3,2 \pm 0,1\%$) этанол олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.


Айрим галофитлар биомассасидан биогаз олиш. Тадқиқотлар 5 литр ҳажмли биореакторлардан фойдаланилган ҳолда, мезофил режимда ўтказилган. Механик усулда майдаланган ўсимлик биомассаси 1:15 нисбатда Баркер озуқа муҳитли сув, 20:1 нисбатда Самарқанд вилояти ҳудудларидаги фаол ботқоқ лойқасидан олинган метаноген бактериялар ассоциациялари кўшилган ҳолда ачитилган. Метаногенездан олдин ва метаногенез босқичларида метаноген ассоциациянинг шаклланиши, микроорганизмлар таркиб ва миқдорининг ўзгариши, биомассадан биогаз ажралиш муддатлари ва унинг кимёвий таркиби таҳлил қилинган.

Тадқиқот объектлари биомассасида метаногенездан олдин асосан гўшт пептонли агарда ўсувчи микроорганизмлар микробиоценози ($3,5 \times 10^6$ дона/мл), аммонификаторлар ($1,3 \times 10^4$ дона/мл), денитрификаторлар ($2,3 \times 10^4$ дона/мл), целлюлоза парчаловчилар ($3,4 \times 10^4$ дона/мл) ва микроскопик замбуруғлар ($1,5 \times 10^3$ дона/мл) бирмунча кўпроқ миқдорда, нитрификаторлар ва сульфат парчаловчи бактериялар кам миқдорда учраши аниқланган. Метаногенезнинг турли босқичларида галофитлар биомасса таркибидаги микроорганизмларни таҳлил қилиш асосида улар сонининг ўзгариб бориши кўрсатиб берилган. Сапрофит микроорганизмлар ва аммонификаторлар сони метаногенез жараёни босқичларида кескин камайиб, жараён охирида бутунлай йўқолиб кетганлиги аниқланган. Метаногенезнинг гидролиз босқичида $2,4 \times 10^2$ дона/мл миқдорда

мавжуд бўлган денитрификаторлар сони метаногенез охирида $2,2 \times 10^1$ дона/млгача камайганлиги, $2,5 \times 10^2$ дона/мл миқдорда мавжуд бўлган сульфат парчаловчи микроорганизмлар 24 дона/млгача камайганлиги, $2,6 \times 10^4$ дона/мл миқдорда мавжуд бўлган целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар $1,3 \times 10^5$ дона/млгача кўпайганлиги аниқланган. Биомассада метаноген микроорганизмлар ассоциацияси метаногенезнинг ачиш босқичида шакллана бошлаши, жараён охирида уларнинг сони $5,8 \times 10^2$ дона/мл ни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Тажрибаларда реактордаги босимнинг ўзгаришини баҳолаш орқали галофитлар биомассасидан биогаз ажралиш муддатлари ўрганилган. Биогаз ажратиб олиш жараёнининг дастлабки босқичлари (1-5 кун)да босим 2,2 атм.гача, 6-10 кунларда 3,2 атм.гача, 11-17 кунларда 3,3 атм.гача ортганлиги, 17-30 кунларда эса 11-17 кунларга нисбатан 10-11% гача камайиб, 3,0 атм. гача пасайганлиги, 39-кунда эса 2,5 атм.гача тушиши маълум бўлган. Натижада галофитлар биомассасидан мезофил шароитда биогаз ажралиши жараённинг 15-30 кунларида оптимал ҳолатда рўй беради, деб хулоса қилинган.

Миқдорий таҳлил натижасида бир килограмм қуруқ массага нисбатан сарсаздан $0,29 \pm 0,01$ м³, қорабароқдан $0,28 \pm 0,01$ м³, юлғундан $0,27 \pm 0,01$ м³, қора саксовулдан $0,30 \pm 0,01$ м³ ва бошқа ўтчил ўсимликларнинг аралаш биомассасидан $0,25 \pm 0,01$ м³ биогаз олиш мумкинлиги кўрсатилган.



5-расм. Сарсазан биомассаси метаногенези жараёнида биогаз таркибининг ўзгариши (n=4)

Биогаз кимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида метаногенезнинг 5-, 10- ва 17-кунларда ажратиб олинган биогаз таркибидаги газлар миқдори фарқланиши аниқланган. Хроматографик таҳлил натижаларига кўра, сарсазан биомассаси метаногенезининг 5-кунида биогаз таркибида ўртача 23% CH₄, 45% CO₂ ва 32% бошқа газлар мавжудлиги, 17-кунда биогаз таркибидаги CH₄

миқдорининг 58 % гача ошганлиги, CO₂ ва бошқа газлар миқдорининг 21 %гача камайганлиги кўрсатиб берилган. Тадқиқотнинг бошқа объектларида ҳам юқоридаги кўрсаткичларга яқин маълумотлар олинган (5-расм).

Галофитларнинг биоэнергетик потенциали. Биоэнергетик потенциални аниқлашда галофитларнинг адабиётларда келтирилган умумий майдонлари миқдори ва шахсий тадқиқотларимизда олинган йиллик қуруқ биомасса ҳосилдорлиги, биомассанинг иссиқлик сифими, биомассадан спирт ҳамда биогаз чиқишининг максимал миқдори тўғрисидаги маълумотлар асос қилиб олинган. Тадқиқотларда иссиқлик энергияси, биоэтанол ва биогаз ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида Ўзбекистондаги айрим галофит турларнинг потенциални аниқланган. Бунда ажралиши мумкин бўлган иссиқлик, биоэтанол ва биогаз миқдорлари табиий энергия манбалари турларига нисбатан эквивалент тарзда баҳоланган:

	Табиий газ, м ³	Нефт, литр	Кўмир, кг
Иссиқлик (1 мДж)	0,03	0,024	0,034
Биоэтанол (л)	0,9	0,7	1,1
Биогаз (м ³)	0,7	0,6	1,6

Ўзбекистондаги сарсазан ўсимлигининг ресурс майдонлари миқдори 400*10³ гектар эканлигини ҳисобга олинганда, назарий жиҳатдан бир йил давомида ҳосил бўладиган қуруқ биомасса миқдори 360*10³ тоннани ташкил этиши аниқланган. Бу миқдордаги биомассанинг иссиқлик хомашёси сифатидаги потенциали 5,3*10⁹ мДжга тенг эканлиги, унинг 158,4*10³ м³ табиий газ, 129,6*10³ литр нефт ва 183,6*10³ тонна кўмир ёқилғисига эквивалент бўлиши кўрсатиб берилган. Сарсазаннинг йиллик биомассасидан биоэтанол ажралишининг потенциал миқдори 11,5*10⁶ литрга тенг бўлиши, унинг 10,4*10⁶ м³ табиий газ, 8,1*10⁶ литр нефт ва 12,7*10³ тонна кўмир ёқилғисига эквивалент бўлиши кўрсатилган. Сарсазан биомассасидан биогаз ажралишининг потенциали миқдори эса 104,4*10⁶ м³ ни ташкил этиши, шунча миқдордаги биогаз 73,1*10⁶ м³ табиий газ, 62,6*10⁶ литр нефт ва 167,0*10³ тонна кўмир ёқилғисига эквивалент бўла олиши ҳисобланган. Худди шу тарзда, бошқа галофитларнинг ҳам биоэнергетик потенциали ва табиий энергетик манбаларга эквивалентлиги аниқланган.

Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида галофит ўсимликлар (сарсазан, қорабароқ, юлғун, қора саксовул ва бошқалар)нинг ресурс майдонлари миқдори 1,55*10⁶ га ни ташкил этиши, назарий жиҳатдан улар йил давомида бир миллион тоннадан ортиқ миқдорда қуруқ биомасса ҳосил қилиши аниқланган. Бу миқдордаги биомассанинг иссиқлик хомашёси сифатидаги потенциали 1,6*10¹⁰ мДж га тенг бўлгани ҳолда, унинг 481,5*10³ м³ табиий газ, 395,1*10³ литр нефт ва 551,2*10³ тонна кўмир ёқилғисига эквивалентлиги баён қилинган. Ҳисобланган миқдордаги галофитлар биомассасидан ҳосил бўладиган биоэтанол ва биогаз миқдори ҳамда унинг табиий газ, нефт ва кўмирга нисбатан эквивалентлиги 2-жадвалда кўрсатилган (2-жадвал).

Айрим галофитлар биомассасининг биоэнергетик потенциали

Кўрсаткичлар	Ўсимлик турлари					Жами
	Сарсазан	Қорабарок	Юлғун	Қора саксовул	Бошқа ўтчил ўсимликлар	
Умумий қуруқ биомасса миқдори, млн. тонна/йил	0,360	0,126	0,176	0,175	0,300	1,137
Иссиқлик энергияси						
Иссиқлик сиғими, мДж/кг	14,8	15,1	14,2	16,1	12,1	
Ҳосил бўладиган умумий иссиқлик миқдори, *10 ⁹ мДж	5,3	1,8	2,6	2,7	3,6	16,0
Эквивалент: табиий газ, минг м ³	158,4	55,1	76,7	83,3	108,0	481,5
нефт, минг литр	129,6	45,3	63,9	66,3	90,0	395,1
кўмир, минг тонна	183,6	63,6	87,6	93,5	123,0	551,2
Биоэтанол						
Спирт чиқиш унуми, мл/кг	31,9	30,9	31,1	32,1	25,5	
Ҳосил бўладиган умумий этанол миқдори, млн литр	11,5	3,9	5,5	5,6	7,7	34,2
Эквивалент: табиий газ, млн м ³	10,4	3,5	4,9	5,0	6,9	30,7
нефт, млн литр	8,1	2,7	3,9	3,9	5,4	24,0
кўмир, минг тонна	12,7	4,3	6,1	6,2	8,5	37,8
Биогаз						
Биогаз ажралиш унуми, м ³ /кг	0,29	0,28	0,27	0,30	0,25	
Ҳосил бўладиган умумий биогаз миқдори, млн м ³	104,4	34,3	49,3	51,0	75,0	314,0
Эквивалент: табиий газ, млн м ³	73,1	24,0	34,5	35,7	52,5	219,8
нефт, миллион литр	62,6	20,5	29,6	30,6	45,0	188,2
кўмир, минг тонна	167,0	54,8	78,8	81,6	120,0	502,2

Галофитлар биомассасидан биоёқилгилар олиш технологияси. Тадқиқотларда олинган илмий натижалар ўрганилган галофит ўсимликлар биомассасидан биоёқилгилар ажратиб олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш имконини берган. Ўсимлик биомассаси 1,0 см ўлчамгача механик майдалангандан кейин биотехнологик жараён икки йўналишда давом этиши кўрсатилган. Биринчи йўналишда (6-расм, А) дастлаб биомассани кимёвий (концентрланган H₂SO₄нинг 20% ли эритмаси иштирокида 8 соат; суюлтирилган H₂SO₄нинг 0,5% ли эритмаси иштирокида 4 соат давомида) ёки *T.reesei* замбуруғи иштирокида ферментатив (концентрацияси 30 мл/литр,

48°Сда 5-6 соат давомида) гидролиз қилиш, кейин гидролизатни *S.cerevisiae* ачитқисининг 20 мл/литр культурал сууюқлиги иштирокида 3-3,5 сутка, 32-36°Сда бижғитиш, охирида маҳсулотни 75-81°С да кимёвий ҳайдаш орқали биоэтанол ажратиб олишга эришилиши белгилаб берилган. Иккинчи йўналишда (6-расм, Б) жараён биомассани 1:15 нисбатда сув билан аралаштириб, хомашёга 1:20 нисбатда олинган метаноген ассоциация иштирокида, мезофил режимда (25-35°С да 15-30 кун) ачитиш орқали ўтказилади, ҳосил бўлган биогаз тозаланади ва тўпланади. Шунингдек, биоэтанол ажратилгандан кейин қоладиган чиқиндилар қайтадан биогаз олишга йўналтирилиши мумкинлиги қайд қилинган. Иккала йўналишда ҳам ҳосил бўлган охирги чиқиндилардан биоўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилиш мумкин (6-расм).



6-расм. Галофитлар биомассасидан биоёқилғилар ажратиб олиш чизмаси

Галофитлар биомассасининг биоэтанол ва биогаз хомашёси сифатидаги потенциалини ўрганиш бўйича олиб борилган тажриба натижалари уларни ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имкониятларини ўрганиш учун асос бўлган. Қарнобчўл ҳудуди - Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Тутли қоракўл замини” МЧЖ ҳудуди аҳоли хонадонларида 0,2 м³ ҳажмли реакторларда сарсазан, қорабароқ, юлғун ва бошқа галофитлар биомассаларидан биогаз ажратиб олинган. Олинган натижалар асосида ушбу технология амалиётда қўлланилганда эришилиш мумкин бўлган иқтисодий самарадорлик баҳоланган. Натижада бир хонадонда йил мобайнида газ учун сарфланаётган 130 минг сўм маблағ тежаб қолиниб, фойдалилик 27% бўлиши аниқланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида тарқалган галофит ўсимликлар биомассаси биоэтанол ва биогаз ажратишда хомашё сифатида фойдаланилганда, иқтисодий самарадор бўлиш билан бирга, республиканинг

техник реконструкциялаш қийин бўлган ҳудудларидаги аҳоли ижтимоий шароитларини яхшилаш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистондаги айрим галофит ўсимликлар биомассасининг биоэнергетик потенциали” мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида ўсувчи, иқтисодиёт тармоқларида мақсадли фойдаланилмайдиган галофитлар - сарсазан, қорабароқ, юлғун, қора саксовул ва бошқа ўтчил ўсимликлар (оқбош, қорабаргўт ва балиқкўз) аралашмасининг йиллик қуруқ биомасса ҳосилдорлиги бир-биридан фарқланиши ва қуйидаги тартиб (нисбат)да ортиб бориши аниқланган: ўтчил ўсимликлар аралашмаси <қорабароқ, қора саксовул < юлғун < сарсазан (1:1,16:1,33:1,5).

2. Галофитлар биомассасининг иссиқлик сиғими ўсимлик турига боғлиқ ҳолда бир хил эмаслиги ва қуйидаги тартиб (нисбат)да камайиб бориши аниқланган: қора саксовул > қорабароқ > сарсазан > юлғун > ўтчил ўсимликлар аралашмаси (1:0,94:0,92:0,88:0,75).

3. Тадқиқ қилинган галофитлар биомассасини кимёвий (20%ли конц. H_2SO_4 иштирокида 8 соат; 0,5%ли суьулт. H_2SO_4 иштирокида 4 соат) ва ферментатив (30 мл/л концентрацияли *T.reesei* иштирокида 5-6 соат, 48°Cда) гидролизининг ҳамда ачитқи иштирокидаги бижғиш (20 мл/л концентрацияли *S.cerevisiae* иштирокида 3-3,5 сутка, 32-36°Cда) жараёнининг оптимал шароитлари танланган. Ушбу шароитлар қўлланилганда, галофитлар биомассаси гидролизатларида қуруқ массага нисбатан 7,4%гача бижғувчи қандли моддалар тўпланганлиги, уларни бижғитиш орқали қуруқ массага нисбатан 3,2%гача миқдорда этанол ҳосил бўлиши аниқланган.

4. Тадқиқ қилинган галофитлар биомассасини метаноген манба иштирокида мезофил режимда ачитиш (1:15 нисбатда сув, 20:1 нисбатда олинган метаноген ассоциация иштирокида, 25-35°Cда 15-30 кун) жараёнининг оптимал шароитлари танланган. Ушбу шароит қўлланилганда, галофитлар биомассасидан бир килограмм қуруқ масса ҳисобига таркибида 55 %дан юқори миқдорда метан сақлайдиган 0,25-0,30 м³ гача газ ҳосил бўлиши исботланган.

5. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида ўсадиган галофитларнинг майдони 1,55 млн. гектардан иборат бўлиб, унда ҳосил бўладиган қуруқ биомассанинг назарий миқдори 1,137 млн. тоннага тенг. Бу миқдордаги биомассанинг энергетик потенциали иссиқлик ҳисобига $1,6 \cdot 10^{10}$ мДж, биоэтанол ҳисобига – 34,2 млн. литр ва биогаз ҳисобига – 314,0 млн. м³ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИКУЛОВ БЕГАЛИ САЙДУЛЛАЕВИЧ

**БИОЭНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ БИОМАССЫ НЕКОТОРЫХ
ГАЛОФИТНЫХ РАСТЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА**

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номерам В2017.3.PhD/В96.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Исмаилов Зафар Файзуллаевич доктор биологических наук
Официальные оппоненты:	Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна доктор технических наук, доцент Хасанов Хасан Турсунович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 76, конференц-зал Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистровано под № ____). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 76, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018).

Арипов Тахир Фатихович
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик АН РУз

Жураева Рохила Назаровна
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н.

Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, при решении мировых проблем дефицита энергетического сырья широко используются методы создания альтернативных возобновляемых энергетических источников. Следует отметить, что с увеличением численности населения планеты, широкое использование природных углеводородов приводит к резкому снижению запасов этого традиционного сырья. Для оптимизации степени использования существующих углеводородных запасов и увеличения разнообразия альтернативных энергетических источников, получение из растений биотоплива (биоэтанол и биогаз), путём биотехнологической переработки их биомассы, является весьма актуальным.

В настоящее время в мире активно проводятся исследования по альтернативным источникам энергии, в частности исследования по использованию растительной биомассы. При этом важным является использование галофитных растений, прорастающих на засоленной почве аридных зон и не используемых в других отраслях экономики. Использование биомассы галофитных растений в качестве нетрадиционных источников энергии требует решить ряд вопросов: определение разнообразия и продуктивности биомассы, подбор оптимальных условий химической и микробиологической переработки, разработку биотехнологии получения биоэтанола и биогаза, а также оценка экономической эффективности этих процессов.

В настоящее время, для развития сферы альтернативной энергетики, в Узбекистане с целью обеспечения населения энергией особое внимание уделяется повышению разнообразия возобновляемых ресурсов, созданию эффективных технологий их использования и внедрения в практику. В этом отношении, в ряде регионов нашей республики отмечены положительные результаты эффективного использования энергии солнца и ветра, а также сосредоточенной в биомассе энергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, среди важных задач отмечено «... расширение использования возобновляемых источников энергии»². Исходя из этого, определение оптимальных условий химического и ферментативного гидролиза биомассы галофитов, усовершенствование и внедрение в производство из нее технологии получения биоэтанола и биогаза, весьма актуально.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, связано с необходимостью решения задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан «О дальнейших мерах по развитию альтернативных источников энергии» (УП №4512 от 1 марта 2013 года) и «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан» (УП № 4947 от 7 февраля 2017 года), а также Постановления Президента Республики Узбекистан «О

² Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” УП №4947 от 7 февраля 2017 года.

программе мер по повышению энергоэффективности, развитию возобновляемых источников энергии, экономики и социальной сферы в 2017 - 2021 годы» (ПП №3012 от 26 мая 2017 года), а также других нормативно-правовых документов, связанных с необходимостью решения проблем в данной сфере экономики.

